

**Иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги туфайли меҳнатга қобилиятсиз бўлган маҳкумга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2009 йил 25 февралдаги ҳукмига кўра, Х. Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан Жиноят кодексининг 45-, 59-моддалари тартибида, 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 6 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, Х.га нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан тайинланган, Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилган, Жиноят кодексининг 59-, 61-моддалари тартибида, узил-кесил 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 10 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. Наманган вилояти «Пилла» бирлашмаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, сохта ҳужжатлар асосида пилла маҳсулотларини чиқим қилишиб бирлашманинг жами 20.612.068 сўмлик мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-тороғ қилганликда; шунингдек, Х. И. орқали Ш.дан пилла хомашёсидан мавжуд бўлган камомадни ёпиб бериш эвазига 4.700.000 сўмни пора тариқасида олганликда айбдор деб топилган.

Суд Х.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган.

Жиноят кодексининг 46-моддаси 3-қисмида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш

учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги муносабати билан Х.га нисбатан тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ўзгартириш ҳақида асосли хулосага келган бир вазиятда Х. иккинчи гуруҳ ногиронлиги туфайли меҳнатга қобилиятсиз бўлса-да, унга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб хатога йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 30 июлдаги ажрими билан суд қарорларининг Х.га оид қисми ўзгартирилиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан жарима жазоси тайинланди, Жиноят кодексининг 59-, 61-моддалари тартибида ўташ учун 10 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш ҳамда 6.250.500 сўм жарима жазоси қолдирилди.

***Назорат иши ЖСҲ-109-09***